

## АРАБ ТИЛИ-ҚУРЪОН ТИЛИ

*Абдулҳамидов Файзуллажон Нишанович,  
Тошкент ислом институти ўқитувчиси,  
Зангиота тумани Умир масжиди имом хатиби  
+998 977561346*

**Аннотация:** Бу мақолада араб тили ҳақида сўз боради. Унинг келиб чиқиши, ривожланиши каби ва унинг Ўрта осийга кириб келиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳамда араб тилида ижод қилган Ўрта Ўсийлик олимлар борасида ҳам қисқача маълумот берилган.

**Аннотация:** Эта статья об арабском языке. Даны сведения о его происхождении, развитии и внедрении в Среднюю Азию. Также даны краткие сведения об учёных Центральной Азии, писавших на арабском языке.

**Abstract:** This article is about the Arabic language. Information about its origin, development, and its introduction into Central Asia is given. Also, brief information is given about Central Asian scientists who wrote in Arabic

**Калит сўзлар:** Андалусия, пайғамбар, арабча, Ал-Хитто, Мажмаул муассас, ислом, санад, иснод.

Жаҳон тилларидан бири деб эътироф этилган араб тили инсоният тараққиёти тарихида ғоят муҳим ўрин эгаллаган. Милоддан кейинги дастлабки асрларда Арабистон яриморелининг жанубий минтақаларидаги қабилаларгагина хос бўлган бу тил Ислом дини шаклланиши ва тарқалиши билан Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка халқларининг она тили бўлиб қолди. Ҳатто Европа қитъасининг ғарбида ҳам, ҳозирги Испания ҳудудида араб давлати-«Андалусия» ташкил топган эди.

Илоҳий мўъжиза бўлмиш Қуръони каримнинг араб тилида нозил бўлиши ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз суннатларини шу тилда баён қилганлари араб тилининг «икки дунё саодатига элтувчи тил» деб эътироф этилишига асос бўлди.

Ислом дини шарофати-ла араб тили Атлантик океандан қарийб Тинч океангача чўзилган жуда катта минтақада яшайдиган халқлар учун она тилига айланмаса-да, халқаро муносабатлар ва сиёсат тили, илм-фан, маданият тили сифатида тарқалди.

Яқин ўтмишгача мусулмон мамлакатларида араб тилини билмайдиган киши зиёли саналмас эди. Ҳозирги кунда башариятнинг тараққиёт даражасини белгилаётган энг муҳим фанлар (кибернетика, астрономия, медицина ва ш.к.)нинг асослари ўрта асрларда араб тилида яратилган эди. Бу тилда жаҳон

маданиятининг дурдоналарига айланган кўплаб адабий-бадий, фалсафий, диний, тарихий, сиёсий мавзулардаги асарлар ҳам яратилди.

Аллоҳ таоло Ўзининг охирги китоби учун араб тилини танлагани бежиз эмас.

Аллоҳ таоло калому шарифида шундай деб марҳамат қилади:

إِنَّا جَعَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ۝

“Албатта, биз уни арабча Қуръон қилдик. Шоядки, ақл юритсангиз” [1: 251].

Дарҳақиқат, бу каби ояти карималар Қуръони каримда кўплаб учрайди. Уламоларимиз Аллоҳнинг сўнги пайғамбари айнан араблар орасидан танланиши ҳамда мусулмонларнинг сўнги китоби араб тилида нозил бўлишига турли сабабларни кўрсатишади. Шу сабабларнинг бирида қуйидагича фикрлар келтирилган:

Аллоҳ таоло Ўзининг охирги китоби учун араб тилини танлагани нафақат араблар, балки барча уммат учун улкан неъматдир.

Жоҳилият даврида араблар ўта кибрилиги ва шуҳратпарастлиги билан бошқа қабилалардан ажралиб турарди. Агар Қуръон бошқа ажам тилида нозил қилинганида, улар: “Биз унинг маъноларини тушунмаяпмиз”, дея ундан юз ўгиришлари табиий эди. Аллоҳ таоло жаҳолатга ботган қавмга ўзларидан бирини сўнги пайғамбари ва уларнинг тилларини охирги китобининг тили бўлишини ихтиёр қилди.

Ўзбек тили ўз тараққиёти тарихида туркий ва туркий бўлмаган тиллар билан алоқада бўлиб, улар ўзбек тилининг луғат таркиби грамматик қурилишига бевосита таъсир этган. Айниқса, Марказий Осиё ва Волга бўйида Ислом динининг тарқалиши, XI асрдан кейин фан тили сифатида араб тилининг тарқалиши, ўзбек тилида араб тилининг элементларининг кенг қўлланишига олиб келди. Ўзбек тили таркибига араб тили элементларининг кириб келиши форс тили, яъни форсий бадий адабиёт тили орқали ҳам юз берган. Демак, ўзбек бадий адабиёти, ўзбек адабий тили тараққиётида араб тилининг ўрни сезиларлидир. Бу эса хозирги илм толибларига араб тилининг хусусиятларини зарурият даражасида билишни тақозо этади [4:114].

Бундан ташқари, маънивийтимиз тарихига оид бўлган илмий ва адабий асарларнинг аксирияти араб тилида битилган. Бу асарларни бугунги кунда ўрганиш муҳим аҳамият касб этиб, тил ва адабиёт, тарих фанлари бўйича илмий-тадқиқот ишларининг олиб бораётганлар учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Араб ёзуви ва тилини ўрганиш тарихий манбалар билан танишиш ва улардан илмий, амалий мақсадларда фойдаланиш имконини беради.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг шарқ тилларини, хусусан, араб тилини ўрганишга катта аҳамият берила бошланди ва бу соҳада муайян

ишлар амалга оширилди. Жумладан араб тили фанидан дастурлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар ўзбек тилида ёзила бошланди. Хозирги кунда араб тили Республикамизнинг Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида, Тошкент Ислон университетида, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислон институтида ва ўрта махсус Ислон билим юртларида асосий чет тили фани сифатида ўқитилса, Ўзбекистон Миллий университети ва Жахон тиллари университетининг барча факультетлари ҳам ўқитилиб келинмоқда. Шунингдек, араб тилига ихтисослашган мактаблар ҳам мавжуд.

Барча олий ва ўрта махсус Ислон билим юртлари ҳамда бошланғич ва умумтаълим мактабларида Б.З. Холидовнинг “Учебник арабского языка”, Э. Талабовнинг “Араб тили”, Н. Иброҳимов ва М. Юсуповнинг “Араб тили грамматикаси”, М. Ҳасанов ва М. Абзалованинг “Араб тили дарслиги” каби дарсликлари ўқув қўлланма сифатида фойдаланилади.

### **Араб тилининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.**

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий: «Тилга эътибор, элга эътибор», деган эдилар. Бу сўзлар бекорга айтилмаган, албатта. Чунки ҳар бир тил маълум бир ҳудудда алоқа воситаси, қолаверса миллатлараро танишув, дўстлик воситасидир.

Араб тили сомий тиллари оиласининг жанубий шаҳобчасига киради. У ўз ирсий тараққиётида уч босқични босиб ўтди: қадимги адабий араб тили, мумтоз адабий араб тили ва замонавий араб тили [3:19].

Қадимги адабий араб тилига Арабистон ярим ороли ва Суриянинг жанубидаги қадимги обидалар ва қояларда топилган ёзувлар мисол бўлади. Уларнинг энг қадимгилари эрамизнинг IV – VI асрларига оиддир [4:58].

Мумтоз адабий араб тилида эса эрамизнинг VI – VII асрларида битилган. Биз уларда мукамал грамматик қурилишга эга бўлган, кенг лексик таркибли, жоҳилият даври назми ва қабилалар лаҳжаларининг нодир хусусиятларини ўзида мужассам этган бой тилни кўрамиз. Мумтоз араб тили хозирги замон араб тилининг шакилланиши учун замин бўлди. IX–X асрларда мумтоз адабий араб тили тўла шаклланиб бўлди. Бу даврга келиб Қуръони карим, қадимий назм ва Қурайш лаҳжаси таъсири остида араб ёзуви ва сарф-наҳв (грамматикаси) шаклланди. Етуқ грамматик низом ва луғат бойлигига эга бўлгани учун мумтоз араб тили қабилалар ўртасидаги адабий тил бўлиб хизмат қилди. Унинг луғат бойлиги шевалар ҳисобига ҳам кўпайиб борди. Ўзининг кейинги ривожидида мумтоз адабий араб тили лексик жиҳатдан бойиди ва грамматик жиҳатдан кўп ўзгаришларни бошидан кечирди. Мумтоз араб тили Ислон дини байроғи остида Яқин ва Ўрта Шарққа, Марказий Осиё ва Африканинг кўп қисмига тарқалди. Ўрта Осиёда у узоқ муддат ҳалқаро ва асосий таълим тили бўлиб келди. Дунё фани равнақида чуқур из қолдирган буюк боболаримиз Абу Райҳон Беруний,

Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий ва Аҳмад ал-Фарғонийлар шу тилда ижод қилишган [2:78].

Мумтоз адабий араб тили лексик жиҳатдан бироз ўзгарган ҳолда ҳозирга қадар арабларнинг адабий тили бўлиб келмоқда.

Бунинг асосий сабаби араб дунёси ва бутун мусулмон дунёсини бирлаштириб турувчи Қуръони карим, ҳадиси шариф ва бошқа мўътабар манбаълар араб тилида битилганидир.

Замонавий адабий араб тили XIX асрдан бошлаб янгича руҳда шакллана бошлади. Янги замонавий техника ва тараққиёт тушунчалари ва предметларини ифодалаш учун унга Европа тилларидан кўп ўзлаштирма сўзлар кириб кела бошлади [4:121].

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 5-жуз. –Т., Шарқ 2008. – 580 б.
2. Ҳасанов М. Абзалова М. Араб тили дарслиги. –Т., Мавароуннаҳр 2004. – 250 б.
3. Улумул Қуръон. Муҳаммад Али Собуний. “Мактабатул Бушарий” нашриёти. 2012 й. – 345 б.
4. Б. Иброхимов, «Араб тили (илк сабоҳлар)», Тошкент, «Университет», 1991 й. – 321 б.
5. Муаллифлар жамоаси. “Ан-Наим ул-кабир” арабча-ўзбекча луғат. – Наманган.: “Наманган”, 2018. – 805 б.